

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МЕТОДЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ

Муқаддас Актамовна Хусанова

«ALFRAGANUS UNIVERSITY»

Нодавлат олий таълим ташкилоти катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17440003>

Аннотация. Педагогик технология – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва таълим воситаларининг мажмуини таълимтарбия ишидан кўзланган мақсад ва кутилатган натижага эришишга йўналтиришдир. Бу борада ўқитувчилардан янги, замонавий, илғор педагогик технологиялар методларини қўллаш талаб қилинади.

Калит сўзлар. Педагогик теънология, таълим воситаси, ақлий ҳужум, оммавий фаолият.

Кириш. Бу методлар орқали ўқувчиларда кенг фикрлик, ҳаракатли фаолият, ақлий ҳужум фаолияти, кўргазмалилик, амалий фаолият, билимлар узлуксизлиги, назария билан амалиётни бирлаштириш, гуруҳ ичидаги ва оммавий фаолият, мустақил фикрлаш каби кўникмалар ҳосил бўлади.

Тадқиқот натижалари. Бу усуллар интерактив усуллар деб аталиб, “интер” -аро, “актив” -фаол деган маънони билдиради. Интерактив бу кимлар? 2 шахс: ўқувчи+ўқувчи; ўқитувчи+ўқувчи; ўқитувчи+гуруҳ каби оралиқда боради. Яъни ўқитувчи бутун гуруҳ билан ўзаро муносабатда бўлади ва қуйидагиларга эришади:

1. Ўқувчининг фаолияти активлашади;
2. Гуруҳда ҳар бир ўқувчи ишлайди, фикрлайди;
3. Ўқувчилар бир-бирларини фикрларини ҳурмат қиладилар ва ўзларининг фикрлари билан тўлдирадилар;
4. Шахслараро ижтимоий муносабат, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш ҳосил бўлади. Бунда ижодий фаолиятни активлаштириш методларидан баъзилари, хусусан: ақлий ҳужум методи, фокал объектлар методи ва морфологик анализ методлари қўлланилади.

«Ақлий ҳужум» методи – жамоа ижодий фаолиятини активлаштиришнинг энг машҳур методи ҳисобланади ва янги ғояларни вужудга келтириш учун қўлланилади. Ушбу метод ғояларнинг пайдо бўлиши ва уларни таҳлилий баҳолаш жараёнларини замонда ажратишни кўзда тутди. Вазифани икки асосий гуруҳ ҳал этади: «ғоялар генераторлари» ва «экспертлар». Биринчи гуруҳ фақат ғояларни илгари суради, иккинчиси эса, «ҳужумдан» сўнг илгари сурилган ғояларнинг кадр-киммати тугрисида ҳукм чиқаради. Вазифанинг шартлари «ҳужумдан» аввал фақат умумий тушунчалар орқали шакллантирилади. «Ғоялар генераторлари» гуруҳининг асосий вазифаси – берилган вақт ичида иложи борича кўпроқ ғояларни, шу ҳисобда фантастик ғояларни илгари суриш. Илгари сурилган барча ғоялар исботсиз баён этилади. Ғоялар генерацияси (пайдо бўлиши) жараёнида ҳар қандай танқид ман этилади. Ғояларнинг пайдо бўлиши жараёни тугагач, барча ғояларни, ҳаттоки амалга ошириб бўлмайдиган ва бемаъни ғояларни, батафсил кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ва саралаш керак. Вазифани ҳал этиш

жараёнини «хужум» раҳбари бошқаради, у барча шартларнинг бажарилишини таъминлайди. Агарда вазифа «хужум» жараёнида ҳал этилмаса, муаммо кенгроқ таъриф бериш асосида муҳокама қилиниши йўли билан қайта ҳал этилиши мумкин.

«Ақлий ҳужум» давомида ғояларнинг пайдо бўлиш жараёнини активлаштириш учун қуйидаги усулларни қўллаш тавсия этилади: «инверсия» (ўрин алмашиш), «аналогия» (ўхшашлик – юқоридаги мисолда каби), «эмпатия» такомиллаштирилаётган объектнинг бир қисмига айланиш ва бунда ўз ҳисларини аниқлаш), «фантазия»(хаёл).

Фокал объектлар методи ижодий тафаккурни активлаштиришнинг ассоциатив методлари сирасига киради ва маъноларнинг иккиламчи нозик фарқларни ишлатишга асосланади. Янги ғояларнинг пайдо бўлиши манбалари бўлиб – ассоциация (икки тушунча, ғоялар ўртасида пайдо бўладиган боғланиш) ва метафора (бир предметнинг хусусиятларини бошқа предметга ўтказиш) ҳисобланади. Бир бири билан умуман боғлиқ бўлмаган бутунлай бошқа тушунчалар орасида мантиқий боғланишни бир неча этапдан иборат бўлган ассоциатив ўтиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Янги ечимларни қидириш билимларни бир соҳадан иккинчи соҳага олиб ўтиш, янги тушунчаларни аввал маълум булган тушунчалар ёрдамида изоҳлаш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун бунда янги ассоциацияларни вужудга келтирувчи кўчма маънолардан, метафорик иборалардан фойдаланилади.

Агарда такомиллаштирилаётган объектга тасодифан танланган объектларнинг хусусиятлари кўчирилса, ечимнинг кутилмаган вариантлари пайдо бўлиш сони кескин ортади. Фокал объектлар методи маълум бўлган усуллар ва қурилмаларнинг янги модификацияларини қидириб топишда қўлланилади.

Методнинг моҳияти шундаки, тасодифан танланган объектнинг хусусиятлари такомиллаштирилаётган объектга кўчирилади, бунда ушбу объект кўчириш марказида булади. Фокал объектлар методини янги ечимлар қидирувида қўлланилиши қуйидаги бир неча этапларни ўз ичига олади:

- такомиллаштириладиган (фокал) объектни танлаш;
- бир нечта тасодифий объектларни танлаш;
- тасодифий объектларнинг хусусиятлари руйхатини тузиш;
- фокал объектларга тасодифий объектларнинг хусусиятларини ўтказиш орқали ғояларни пайдо қилиш;
- пайдо бўлган ғояларни баҳолаш ва фойдали ечимларни танлаш.

Текширув саволлари методи ижодий жараёни психологик жиҳатдан фаоллаштиришда қўлланилади.

Талаба ёшларнинг ижодий фаоллигини оширишга қаратилган методлардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Педагогический словарь-справочник/ Авт.-сост.: Э.А.Сейтхалилов, Б.Х.Рахимов, И.У.Мажидов; под общ.ред. Б.Ю.Ходиева; М-во высш. И ср. спец. Образования РУз. – Т.: “OPTIMAL LIGHT”, 2011/ - 704 с.
2. Нажмиддинова Г.Н. Педагогик маҳоратдан тажриба машғулоти. Ўқувметодик

кўлланма. – Бухоро. 2009.

3. Педагогика: Учебник для вузов. Стандарт третьего поколения/ Под ред. А.П.Тряпицыной. – СПб.: Питер, 2014. – 304 с.

4. Зиёмухамедова З., Зиёмухамедов Б. «Янги педагогик технология» Тошкент-2002.